20 — A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 105 (105), 2020 йил 11 июнь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сизга ва 2020 йил 1 май куни Сардоба сув омборининг тўғони қисман қулаши оқибатида жабрланганларга ҳамдардлик билдираман. Сув остида қолган уйлар, кўчирилган аҳоли, вайрон бўлган йўллар ва фермер хўжаликлари тасвирларини кўриш қалбни ларзага солади.

Шахсий эътибор ва тезкор чоралар кўриш орқали Сиз лидерлик хусусиятларини намойиш этдингиз. Давлат департаменти ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ҳам ушбу фожиага жавобан дарҳол чора кўрдилар ва кўмак кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз учун маблағ ажратдилар.

Америка Қўшма Штатлари ушбу мушкул пайтда Ўзбекистон ва унинг халқига елкадошдир.

Шу билан бирга, коронавирусга қарши курашда биргаликда иш олиб борар эканмиз, ушбу мудҳиш пандемияга қарши чора-тадбирлар учун ёрдам бўйича сўровингиз тез фурсатларда кўриб чиқилишини таъминлаш учун маъмуриятимга кўрсатма бердим.

Ҳурмат билан,

Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Солиқ: янги имтиёзлар

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

Жорий йил 8 июнь куни Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга биноан, 2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилаётган, қўлида касб-ҳунари бор одамларга муносиб шароит яратиш мақсадида янги тизим жорий этилиши белгиланди. Яъни сартарош, этикдўз, новвой, темирчи, дурадгор, тикувчи, таржимон, дизайнер, компьютер дастурчиси каби ўзини ўзи банд қилган 67 касб эгаси даромад солиғидан озод қилинади.



Давоми 2-бетда

Кун мавзуси

ПАНДЕМИЯ ВА ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТ

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий ўсиш 1,5 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда

Давлатимиз раҳбари раислигида 9 июнь куни миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда, коронавирус пандемияси туфайли вужудга келган глобал инқироз барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланиб, Жаҳон банкининг прогнози бўйича 2020 йилда ялпи глобал маҳсулот 5,2 фоизга, АҚШда ялпи ички маҳсулот 6,1 фоизга, Россияда 6 фоизга, Европа Иттифоқида 9,1 фоизга тушиши кутилаётгани, шу билан бирга, Хитойда 1 фоиз, Ўзбекистонда эса 1,5 фоиз иқтисодий ўсиш бўлиши тахмин қилинаётганлиги қайд этилди.

Ҳақиқатан, коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан глобал иқтисодий инқироз натижасида дунё бўйича амалга оширилаётган иқтисодий фаолият турларининг қарийб 90 фоизи у ёки бу даражада азият чекмоқда. Трансмиллий савдо алоқалари ва таъминот занжирлари узилди, истеъмол талаби кескин қисқарди, миллионлаб ишсизлар пайдо бўлди. Пандемия бошлангандан буён, дунёда ҳар олти кишидан биттаси ўз ишидан маҳрум бўлди, қолганларда эса меҳнат куни давомийлиги 23 фоизга қисқарган.

Халқаро меҳнат ташкилоти мамлакатлар иқтисодиётни тиклаш ва фуқароларни иш жойига қайтариш борасида тезкор чора-тадбирлар кўриши зарурлигини таъкидламоқда.

Давоми 2-бетда

Муносабат

УСТОЗЛАР МЕҲНАТИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНАДИ

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси

Юртимизнинг 60 фоиз аҳолиси 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Уларни ҳар жиҳатдан юксак салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Ўғил-қизларимизнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари бугун халқаро жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 июнь куни миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари янгича ёндашув ва инструментларни қўллаш орқали жорий йил иқтисодиётда ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаб, шу борадаги 8 та асосий йўналишни кўрсатиб ўтди.



Биринчи — иқтисодиёт ва бюджет барқарорлигини таъминлаш;



Иккинчи — камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш;



Учинчи — банк тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш;



Тўртинчи — тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш;



Бешинчи — экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш;



Олтинчи — саноатда рақобатбардошликни кучайтириш;



Еттинчи — кичик бизнесни ривожлантириш;



Саккизинчи — рақамли технологияларни барча тармоқларда кенг жорий қилиш устувор вазифалар этиб белгиланди.



Пандемиядан сўнг халқаро миқёсда иқтисодий фаолликни жонлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири, бу халқаро ҳамкорликни кенгайтиришдан иборатдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 11 июнь, 105-сон

Кун мавзуси

ПАНДЕМИЯ ВА ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТ

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий ўсиш 1,5 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда



Бошланиши 1-бетда

Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдернинг таъкидлашича, қайси мамлакатда вирус юқтириб олганларни аниқлаш ва улар билан мулоқотда бўлган барча шахсларни кузатиш тизими яхши йўлга қўйилган бўлса, мазкур мамлакатларда иш вақти 7 фоизга, бундай шарт-шароитлар яратилмаган давлатларда иш вақти 14 фоизга, Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида 12,9 фоизга қисқарган.

ХМТ раҳбарининг фикрича, бугунги кунда дунё мамлакатлари ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг касбий тайёргарликларини ошириш борасида қатъий чоралар кўрмас экан, пандемиядан сўнг дунё иқтисодиётини тиклаш жуда қийин кечади.

Бугунги куннинг ҳаётий ҳақиқатлари мана шундай. Иқтисодиётнинг яқин истиқболдаги ўзгаришлари ҳам унчалик қувонарли эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳолатни баҳолаш баробарида, инқироздан мувафақиятли чиқиш йўлларини ҳам кўрсатиб берди. Жорий йилнинг 13 май куни БМТ 2020 йилнинг ўрталарига бўлган муддат учун дунё иқтисодиётидаги вазият борасида ҳисобот эълон қилди. Мазкур ҳужжатда 2021 йилгача бўлган муддат учун ҳам иқтисодий башоратлар ўрин олган.

БМТ иқтисодчилари бу йил жаҳон иқтисодиёти 3,2 фоизга қисқаришини тахмин қилмоқда. COVID-19 пандемияси оқибатида кейинги икки йил ичида дунё бўйича даромадларнинг 8,5 триллион долларгача қисқариши кутилмоқда. БМТ бундай таназзулнинг оғир оқибатларини халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш орқали бартараф этиш мумкинлигига ишонч билдирмоқда.

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий ўсиш 1,5 фоиз, Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига асосан эса 1,8 фоиз атрофида бўлиши тахмин қилинмоқда.

Пандемия натижасида 2020 йилда қашшоқлик чегарасида кун кечирувчи инсонлар сони дунё бўйича 34 миллион кишига ўсиши ва бу ўсишнинг ярмидан кўпи Африка қитъаси мамлакатларига тўғри келиши кутилмоқда.

Коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган глобал иқтисодий инқирозга дуч келган дунё мамлакатлари унинг оқибатларини юмшатиш ва тезроқ инқирозлардан чиқиш борасида барча усул ва воситаларни ишга солмоқда. ЯИМнинг 10 фоиз ва ундан кўпроқ қисмини ташкил этувчи бюджет ажратмалари соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш ва пандемияга қарши курашиш, фуқароларнинг меъёрда кун кечиришларини таъминлашга йўналтирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам пандемияга қарши курашиш, глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган кенг қамровли молиявий қўллаб-қувватлаш дастурлари амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 22 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, мамлакатимизда пандемияга қарши курашиш чора-тадбирлари дастури доирасида халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг 3,1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағларини жалб этиш кўзда тутилмоқда. Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Инқирозга қарши жамғарма даромадлари вазирлик томонидан жорий йилнинг 27 май санасида тақдим этилган маълумотларга кўра, 7,44 триллион сўм (7,32 триллион сўм халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари ва 123,5 миллиард сўм давлат бюджети маблағлари)ни ташкил этади. Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт секторларини қўллаб-қувватлаш мақсадларига жамғарманинг 1,4 триллион сўм маблағи йўналтирилмоқда.

Аммо жаҳон инқирозининг чуқурлиги ҳамда жиддийлиги иқтисодиётнинг тезда ва оғриқларсиз тикланишини ваъда қилмайди. БМТ Бош котибининг иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича ёрдамчиси ва ташкилотнинг бош иқтисодчиси Эллиот Харриснинг таъкидлашича, "Инқироздан кейинги тикланиш суръати ва ҳажми нафақат вируснинг тарқалишини олдини олувчи соғлиқни сақлаш тизими чора-тадбирларининг самарадорлигига, балки мамлакатларнинг иш ўринларини сақлаб қолиш, жамиятнинг энг заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларига кўп жиҳатдан боғлиқдир".

Шу жаҳатдан олганда, Ўзбекистонда бу борада кўрилаётган чоралар тўғри йўлдан борилаётганини кўрсатади. Бинобарин, жорий йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 300 минг аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш, 265 минг нафарини ишга жойлаштириш мумкин. Пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида "Ҳар бир оила — тадбиркор" давлат дастурига қўшимча 1 триллион сўм маблағ ажратилди. Умуман олганда эса, оилавий тадбиркорлик дастурларига 4 триллион сўм маблағ кафолатланган иш ўринлари яратадиган кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтирилади.

Шу билан бирга, биринчи ярим йилликда 38 минг гектар ерни оборотга киритиш ҳисобига 25 минг нафар, йил якунига қадар яна қўшимча 51 минг гектарни ўзлаштириш эвазига 45 минг одам бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Бу ерларнинг 20 минг гектари кам таъминланган оилаларга берилади...

Пандемиядан сўнг халқаро миқёсда иқтисодий фаолликни жонлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири, бу халқаро ҳамкорликни кенгайтиришдан иборатдир. Бу йўналиш инқироздан катта зарар кўрган мамлакатларга молиявий кўмак кўрсатиш ва пандемиянинг кенг тарқалишини олдини олишда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. БМТ инқироздан кейинги даврларда жаҳон иқтисодиётини тиклашда турли хил иқтисодий тебранишларга нисбатан барқарор бўлган дунё иқтисодий моделини яратиш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, "яшил технологиялар"ни изчил жорий қилиш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди.

Пандемия таъсиридан катта зарар кўрган тармоқларнинг ўз фаолият юритиш тартиб-тамойилларини ўзгартиришлари, бевосита мазкур тармоқлар билан узвий боғлиқ бўлган соҳаларга, компанияларга таъсир қилади, улар ишлаб чиқаришни вақтинча тўхтатиб туришга ва ҳаттоки, уни бутунлай ёпишга ҳам мажбур бўлади. Бунинг натижасида таҳдидлар қиймат занжирлари бўйлаб ўтиб, бутун бир иқтисодиётда турғунликни келтириб чиқаради. Бундай вазиятда пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини иқтисодий инқироз эмас, балки табиий офатлар таъсирига қиёслаш мумкин. Ҳозирги иқтисодий инқирознинг тез тарқалиши давлат томонидан етарли даражада жавоб чораларини кўришни ва юмшатишга қаратилган тезкор ва профилактик чораларни ўз ичига оладиган саноат сиёсати воситаларини танлашни талаб қилади.

Тармоқлар ва компанияларга тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатиш, молиявий кўмакка муҳтож компанияларга субсидиялар, бизнесга имтиёзли кредитлар ажратиш, давлат харидлари, турли восита ва усуллар ёрдамида талабни рағбатлантириш ана шундай услублар сирасига киради.

Акмал АБДУВОҲИДОВ,
Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

Фаолият

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ "СИРЛИ МИЖОЗ"И

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Айни кезда кундалик ҳаётимизнинг муайян қисми Давлат хизматлари марказлари билан боғланган, десак хато бўлмайди. Сабаби, қандайдир ҳужжат керак бўлса, мазкур муассасага мурожаат қилиш одатий ҳолга айланиб қолди. Ҳамма хизматларнинг бир жойда жам бўлгани ортиқча оворагарчиликларга чек қўйди.

Лекин баъзида хизмат кўрсатаётган ходимнинг муомаласи, билими ва касбий кўникмаси камлиги туфайли ишингиз тезда ҳал этилмаслиги ёки бошқа бировнинг таниш-билишчилик орқали худди шу юмушни бир зумда битириши таъбингизни хира қилади.

"Сирли мижоз". У исталган вақтда хоҳлаган Давлат хизматлари марказига боради. Ўзини мижоз сифатида таништирган мутахассис иши ҳал бўлгунга қадар ўша марказ ходимларини синовдан ўтказади. Мижозларга муомаласидан тортиб, иш вақтида ўзини тутиши-ю, кийиниш меъёрларига амал қилишини текширади ва бундан тегишли хулосалар чиқаради. Бир сўз билан айтганда, "сирли мижоз"лар давлат хизматларининг оддий "фойдаланувчиси" сифатида ташриф буюриб, уларнинг тақдим этилиши ҳақида маълумот йиғувчи ва сифатини баҳоловчи шахслар, жамоатчилик мониторингини юритувчилардир.

Адлия вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тартиби тўғрисида"ги буйруғи билан тасдиқланган низомга мувофиқ, Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан Давлат хизматлари марказлари ходимлар ўртасида таъмагирлик, порахўрлик ҳамда қонунга хилоф хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка қаратилган "Сирли мижоз" ҳамда "Рейд" тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 15 февралдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида"ги қарорига мувофиқ, Давлат хизматлари агентлиги зиммасига хўжалик бошқаруви органларига, уй-жой коммунал ва фойдаланиш хўжалиги ташкилотларида аниқланган қонунбузилишлар ва камчиликларни, уларнинг йўл қўйилишига олиб келган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш талаблари ва тартибини бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилди. Шу асосда "Сирли мижоз институти" йўлга қўйилиб, аҳолига тезкор, сифатли ва шаффоф хизмат кўрсатишни таъминлаш, фуқароларни сарсон қилмаслик учун ўтказилган рейдлар мониторинги шакллантирилди.



8 НАФАР ХИЗМАТЧИ ИШДАН БЎШАТИЛДИ

Бугунги кунда туман ва шаҳарларимиздаги 203 та Давлат хизматлари марказида 2 000 дан ортиқ ходим хизмат қилмоқда.

— Жорий йилнинг 1 январидан 22 мартга қадар ҳамда карантин чоралари юмшатила бошлангач, 1 июндан бошлаб "сариқ" ва "яшил" ҳудудларда агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан "сирли мижоз" тадбирлари ўтказилди, — дейди Давлат хизматлари марказлари фаолияти устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи Муроджон Муллажонов. — 2020 йил 1 июнь ҳолатига кўра, жами 330 та "сирли мижоз" ва "рейд" тадбири ҳамда 1 303 та профилактик суҳбат ташкил этилди. Натижада ДХМ ходимларининг 281 нафари огоҳлантирилди, 34 нафарига ҳайфсан, 24 нафарига жарима интизомий жазо чоралари қўлланилди ҳамда 8 нафари билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Агентлик матбуот хизмати маълумотларига қараганда, энг кўп "сирли мижоз" тадбири Андижон вилоятида ўтказилган: 47 та тадбирда 26 нафар ходимга нисбатан огоҳлантириш, 3 нафарига ҳайфсан интизомий жазо чораси қўлланилган. Энг кам тадбир эса Хоразм вилоятида қайд этилган. Вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 11 та тадбир ўтказилиб, 11 нафар ходим огоҳлантирилган, 3 нафарига нисбатан жарима интизомий жазо берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказилган тадбирларда эса бир нечта ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

— "Сирли мижоз" тадбирларини деярли икки йилдан бери ташкил этиб келмоқдамиз, — дейди Муроджон Муллажонов. — Шу кунгача ўтказилган рейдларда пора олиш бўйича ҳолат аниқланмаган. Асосан, фуқароларни сарсон қилиш, яъни етарли билим кўникмаси йўқлиги сабабли асоссиз ҳужжатлар талаб қилиш, қўпол муомала, кийиниш маданиятига риоя этмаслик каби камчиликлар кўзга ташланган. Шуни айтиш керакки, "сирли мижоз"лар бевосита объектларга ташриф буюрибгина қолмай, балки мониторинг амалга оширилаётган давлат хизматларига қараб телефон орқали боғланишлари, электрон почта орқали мурожаат қилишлари ва бошқа усулларни қўллашлари ҳам мумкин.

Мониторинг натижалари шахсий бўлмаган шаклда расмийлаштирилади ҳамда тегишли давлат хизматларини кўрсатадиган вазирлик ва идораларга мажбурий тартибда кўриб чиқиш учун тақдимномалар юборилади. Бу қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш имконини беради. Энг муҳим жиҳат, бундай чора-тадбирлар доирасида ҳуқуқбузарликлар ва ваколатни суиистеъмол қилишга ундовчи усулларни қўллаш тақиқланади. Қолаверса, мониторинг натижалари жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди ва тавсиявий кўринишга эга бўлади.

Эслатиб ўтамиз, "сирли мижоз" Давлат хизматлари марказларига "ташриф буюриш"да давом этади.

Солиқ: янги имтиёзлар

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Бу пайтга қадар бундай ҳуқуққа эга бўлган касблар сони 24 тани ташкил этар эди. Солиқ кодексининг 369-моддасига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилганларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмайди.

Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатдан ўтиш учун телефон ёки шахсий кабинет орқали солиқ идораларини хабардор қилиши кифоя. Илғор хорижий тажриба асосида бундай фуқароларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш бўйича мобил илова ишлаб чиқилади. Шу тариқа вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини бериш тартиби бекор бўлади.

Ишлаб чиқиладиган мобил иловада буюртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни амалга ошириш, юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилишлари, ихтиёрий асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда ушбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан, кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан чиқариш мақсадида фойдаланишлари учун имкониятлар яратилади. Бундан ташқари, унда товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш, кўрсатилаётган хизматлар (товарлар) сифатини баҳолаш ва истеъмолчилар томонидан фикр-мулоҳазалар қолдиришлари учун электрон қулайликлар назарда тутилади.

Мазкур имтиёз ва имкониятлардан фойдаланувчилар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди. Ушбу сумма тўлиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади. Бундан келиб чиққан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади. Лекин ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қилмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақлаб қолинади.

Қарорга асосан, юридик шахслар ва ЯТТларни рўйхатдан ўтказишнинг янги тартиби белгиланди. Унга биноан, юридик шахслар жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда, хабар бериш тартиби қўлланилади. Якка тартибдаги тадбиркорларни ҳисобга қўйиш эса улар давлат томонидан рўйхатдан ўтказилаётганда (қайта рўйхатга олинаётганда) тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича амалга оширилади. Ҳозир мамлакатимизда фаолият юритиш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши лозим бўлган 12 мингта ЯТТ мавжуд.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унинг фотосурати акс эттирилган ҳолда берилади. Айни пайтда республикамиз миқёсида 250 минг нафар ЯТТнинг гувоҳномасида уларнинг фотосурати акс эттирилмаган.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоиз камайтирилган ставкада тўлаши ҳам белгилаб қўйилди.

Шуҳрат ИСМОИЛОВ,
Давлат солиқ қўмитаси бўлими бошлиғи

Муносабат

УСТОЗЛАР МЕҲНАТИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНАДИ



Бошланиши 1-бетда

Бу эса, ўз навбатида, таълим мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўқитувчи ва мураббийлар малакасини ошириш, уларнинг обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилаётган эътибор самарасидир.

Бошқача айтганда, ўқитувчи ва мураббийлик мамлакатимизда энг улуғ, энг шарафли касблардан бирига айланди. Соҳада фаолият юритаётганларнинг меҳнати давлатимиз томонидан қадрланиб, халқимиз ардоғига сазовор бўляпти.

Жумладан, "Фахрий мураббий" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани ҳам фикримиз далилидир.

Ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 февраль куни Тошкент шаҳри Яшнобод туманида жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган учрашувида берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга кўра, "Фахрий мураббий" ордени билан ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва қобилиятини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган, чуқур билим ва бой ҳаётий тажрибаси билан ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида шахсий намуна кўрсатаётган, давлат ва жамият олдидаги юксак хизматлари билан алоҳида эътибор қозонган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланади.

Шунингдек, мазкур орден билан чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

Гувоҳи бўлдикки, коронавирус пандемияси даврида, карантин шароитида ҳам юртимизда таълим-тарбия ишлари тўхтагани йўқ. Айниқса, ўқитувчилар, устоз ва мураббийлар ёшларнинг масофадан туриб онлайн билим олиши учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Янги қонун билан таъсис этилган орден мана шундай фидойи инсонларнинг заҳматли меҳнати учун муносиб рағбат бўлади.

Мухтасар айтганда, янги Ўзбекистонимизда бошланган барча ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — одамларни рози қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишдан иборат.

Халқимиз шолини нафақат зарур озиқ-овқат маҳсулоти, балки шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиловчи қимматли экин тури сифатида қадрлайди.

Президент ташрифидан сўнг

САНТЕХНИКА МАҲСУЛОТЛАРИ КЛАСТЕРИ

соҳада янги даврни бошлаб беради

Санобар ЖУМАНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Фарғона туманида ишга туширилган “Экокерама” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишар экан, бу корхонани кластерга айлантириш, карьерлар ажратиб бериб, хомашё захираси билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.



— Фаолиятимиз маҳаллийлаштирилган, экологик тоза керамик сантехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт ўрнини босувчи товарлар билан маҳаллий бозорни тўлдириш ва экспортга йўл очишга қаратилган, — дейди корхона раҳбари ва таъсисчиси Салоҳиддин Юнусов. — Корхонамиз йилига 25 миллион АҚШ доллари қийматидаги 500 минг дона 20 турдаги сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу орқали импортнинг аксарият қисмининг ўрнини тўлдириш мумкин. Айни кунда 500 нафар кишини иш билан таъминладик, дастлабки буюмларни ишлаб чиқардик. Корхона фаолиятини кластерга айлантириш иқтисодий тараққиёт учун катта зарурат эди. Кластер бизга Европа, Хитой бозорларига чиқиш, маҳсулотларимизнинг 60 фоизини ташқи бозорга йўналтириш учун муҳим омил бўлади. Ҳозирданоқ хорижлик ҳамкорлар таклифлар билан чиқишмоқда. Кластер, аввало, маҳсулотимиз таннархини камайтиришга хизмат қилади. Боиси, тўлиғича маҳаллий хомашёдан фойдаланилгани, энергия тежовчи технологиялар қўлланилгани учун маҳсулотлар хориждан келтириладиган муқобилларига нисбатан арзон бўлади. Шунингдек, кластерлар ташкил этилиши ҳисобига конларда қазиб олиш ишлари кенгаяди, ҳудудларда корхоналар ишга туширилади, янги иш ўринлари яратилади. Ҳозир соҳа бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларга зарурат сезилмоқда.

Маҳсулотларимиз номенклатурасини кенгайтириш, яъни турларини кўпайтириш бўйича берилган кўрсатмаларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Сабаби, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури қанча кўп бўлса, бозор шунча кенгаяди. Битта раковинани йигирма-ўттиз йиллаб ишлаб чиқариш — эскича ёндашув, бундан фойда йўқ. Бир хиллик билан бозорда ҳам ўрин эгаллаб бўлмайди. Сантехника маҳсулотлари кластери замон билан ҳамқадам бўлиш имконини беради.

Дарҳақиқат, керамик сантехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдириш, товарларнинг янги турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, экспорт ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини яратади. Ахир шу кунгача 650 минг дона сантехника товари четдан олиб келинган. Ваҳоланки, уларни ишлаб чиқаришда зарур бўлган кальцит, кварц, каолин, дала шпати ва доломит юртимизда мавжуд. Заминимизнинг оддий тупроғи, тоғу тоши, адиридаги хомашёдан сифат, дизайн ва ўлчам жиҳатидан Туркия сантехникасидан қолишмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

Албатта, хомашёни келтириш билангина иш битмайди, чиройли, ярқираб турган қўл ювиш ускунаси ўз-ўзидан ясалмайди. Унга илм, уста меҳри сингади, бир неча босқичларда ишлов берилади.

Корхона директори Муҳаммадсодиқ Саидумаровнинг таъкидлашича, “Экокерама” корхонасидаги иш хомашё омборидан бошланади, мамлакатимизнинг тўққизта ҳудудидан келтириладиган хомашё омборга жойлаштирилади. Шундан кейин зарур миқдор, пропорцияда майдалагичга солинади. Тегирмонда зарра ҳолига келтирилган хомашёдан лой қорилади. Қоришма зарур шаклларга келтирилади. Маҳсулотлар қуритилгандан кейин усти сирланиб, ишлов берилади ва тайёр ҳолга келтирилади. Бу ўринда кўп жараёнлар қўл меҳнати ёрдамида бажарилади. Нозик иш санъаткорона ёндашув ва эътиборни талаб этади. Шу ҳолатда ишлаб чиқаришнинг юраги ҳисобланган печларга солинади, 16–18 соат давомида 1200–1300 даражали ҳароратда қиздирилади. Печлар 1200 донагача маҳсулот сиғимига эга.

Керамик сантехника бошқа материаллардан ишлаб чиқарилган турларига қараганда қатор афзалликларга эга. У экологик тоза, мустаҳкам бўлиб, узоқ вақт хизмат қилади. Ошхона ва ювиниш хонасида чиннидай ярқираб турган керамик сантехника ускуналари эстетик завқ бериш билан бирга, гигиеник жиҳатдан ҳам аҳамиятли. Сабаби, унинг силлиқ юзаси яхши тозаланади, турли бактерияларни сақламайди.

Корхонанинг ишга тушиши юртимиз керамика соҳасида янги даврни бошлаб берди. Сантехника маҳсулотлари кластери керамика ишини санъат даражасига олиб чиқади.

Қишлоқ хўжалиги



Ҳусанбой ИДРИСОВ,
Шоличилик илмий-тадқиқот институти илмий ходими

Ер юзида аҳоли сони ортиб бориши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабни янада оширмоқда. Хусусан, экиладиган майдони ва истеъмол қилиниши бўйича буғдойдан кейин иккинчи ўринда турадиган шолига бўлган эҳтиёж уни янада кўпроқ майдонларга экиш заруратини юзага келтиряпти.
БМТнинг Озиқ-овқат ташкилоти — ФАО маълумотларига кўра, 2020 йилда дунё бўйича 750 миллион тонна шоли етиштирилади, аммо инсонларнинг унга бўлган талаби 781 миллион тоннани ташкил этади.

ШОЛИЧИЛИКДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

юқори сифат ва ҳосилдорлик кафолати

Демак, зарур чоралар кўрилмаса, бу миқдор Ер шари аҳолисини тўлиқ таъминлаш учун етарли бўлмайди.

Республикамизда сўнгги йилларда шоли етиштириш майдонлари ва ҳосилдорликни ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2019 йилда шоли асосий экин сифатида 57,7 минг, такрорий экин сифатида 56,1 минг — жами 113,8 минг гектар майдонда экилган бўлса, 2020 йилда 128 минг 193 гектар майдонга шоли экилиб, 641 минг 882 тонна ҳосил олиниши режалаштирилган.

Шоли қадимдан инсониятга маълум бўлган ва жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида қимматли егулик сифатида кенг тарқалган. Ҳозирга қадар шоли Хитой, Ҳиндистон, Япония, Покистон, Индонезия, Вьетнам ва, айниқса, тропик мамлакатлар аҳолисининг асосий озиқа маҳсулоти ҳисобланади.

Шоли қишлоқ хўжалиги экинлари орасида ер юзида тарқалиш амплитудасининг чексизлиги билан ажралиб туради. У шимолий кенгликнинг 30 даражасидан то жанубий кенгликнинг 30 даражасигача бўлган ҳудудларда тарқалган ягона қишлоқ хўжалиги экинидир. Мазкур ҳосилдор экин тури жаҳондаги 108 та мамлакатда 155 миллион гектар ерга экилади. Дунё бўйича экиладиган шоли майдонининг 91 фоизи Осиё, 4 фоизи Америка, қолган 5 фоизи Африка ва бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозир шоли майдонлари ҳажми бўйича биринчи ўринда Ҳиндистон, кейинги ўринларда эса Хитой ва Индонезия туради. Ҳосилдорлик бўйича эса биринчи ўринни Хитой, иккинчи ўринни Ҳиндистон эгаллаб турибди.

Жаҳонда шоли экиладиган майдонлар ҳажми йилдан йилга кенгайиб бормоқда. 1970 йилда 135,5 миллион, 1984 йилда 138,6 миллион, 1990 йилда 144,2 миллион ва 1991 йилда 148,4 миллион гектар майдонга шоли экилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 155 миллион гектардан ошиб кетди. Шоли майдонлари кенгайиши билан бирга ҳосилдорлик ҳам ортиб бормоқда.

Халқимиз шолини нафақат зарур озиқ-овқат маҳсулоти, балки шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиловчи қимматли экин тури сифатида қадрлайди. У тупроқни даволаб, баракали даромад келтиради. Шолипояларга узоқ вақт сув бостирилиши натижасида шўр ерларнинг тузи ювилади. Асосийси, шоли экилган ерларда ғўзанинг хавфли касаллиги – вилт йўқолиб кетади.



ЯНГИ НАВЛАРДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИНМОҚДА

Суғориладиган майдонлардан унумли фойдаланиш, уларда шоличиликни ривожлантириш, соҳага замонавий агротехнологияларини олиб кириш, экологик ҳолат, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш доим долзарб ҳисобланади. Мазкур вазифаларни бажариш, хусусан, шолининг янги навларини яратиш, етиштириш агротехнологияларини амалиётга жорий қилишда Шоличилик илмий-тадқиқот институти муҳим ўрин тутади.

Бугунги экологик муҳитнинг салбий оқибатлари, ташқи муҳит таъсирида юзага келаётган ўзгаришлар шароитида янги нав яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш осон иш эмас. Шунга қарамай, институтнинг селекционер олимлари томонидан олиб борилаётган тинимсиз изланишлар ўз ижобий самарасини бермоқда.

Ҳозир шолининг Давлат реестрига киритилган бир қанча ҳосилдор навлари, жумладан, “Мустақиллик”, “Искандар”, “Лазурний”, “Нукус-2”, “Нукус-70”, “Гулзор”, “Санам”, “ЎзРОС 7-13”, “Арпа шоли”, “Оққилтиқ”, “Буғдой бошоқ” (маҳаллий девзира навлари) кабилар мазкур институтда яратилган.

Кейинги йиллардаги илмий изланишлар натижасида шолининг “Тарона” ва “Тантана” навлари яратилиб, 2020 йилда Давлат реестрига киритилиб, улар учун патентлар олинди. Бугун мамлакатимизнинг шоли етиштирадиган барча минтақаларида мазкур экин турининг тупроқ-иқлим шароитларига мослашган, серҳосил, истиқболли навлари экилмоқда. Хусусан, шимолий минтақалар – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида асосий экин сифатида шолининг “Авангард”, “Истиқлол” каби эртапишар навлари, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 10–25 майгача “Лазурний”, “Мустақиллик” сингари кечпишар навлар, 10–20 июнга қадар “Гулзор”, “Жайхун” каби эртапишар навлар ҳамда Сурхондарё вилоятида асосий экин сифатида кечпишар ва ўртапишар навлар ерга қадалади. Такрорий экин сифатида эса аксарият ҳудудларда фақат кўчат усулидаги шоли экилади.

ЗАМОНАВИЙ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ

Институт олимларининг ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилаётган бир қатор янги илмий ишланмалари ҳам бор. Интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома олинган “Шоли кўчатларини махсус кўчатхоналарда инновацион усулда етиштириш технологияси” асосида республикамизда биринчи марта махсус иссиқхона шароитида кўчат тайёрлаш йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда жаҳонда оммалашиб бораётган шолини кўчат усулида такрорий экин сифатида экиш суғориладиган майдонлардан унумли фойдаланиш ва юқори сифатли, мўл ҳосил олишни таъминлайди. Ўзбекистонда экишга тавсия этилган барча шоли навлари кўчат усулида экишга яроқли бўлиб, асосий экин сифатида экиш учун кечпишар, ўртапишар, такрорий экин сифатида экиш учун ўртапишар ва эртапишар шоли навларидан фойдаланилади. Жорий йилда қўшимча 10 минг гектар ерда, жумладан, Хоразмда 6 минг, Қорақалпоғистонда 3 минг, Сирдарёда минг гектарда кўчат усулида шоли экишни ташкил қилиш кўзда тутилган.

Шоли экишнинг бу усулини янада осонлаштириш борасида жаҳонда кўплаб инновацион мосламалар, экиш механизмлари яратилган. Мазкур жараённи маҳаллий далаларда синаш мақсадида айни пайтда Шоличилик илмий-тадқиқот институтида Жанубий Кореянинг “TYM” (Tong Yang Moolsang) компаниясида яратилган “RF-48” ва “PRO600V” русумли машиналарини синаш ва механизация ёрдамида шоли кўчатларини экиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уни қўллаш учун жорий йилда 20 гектарга яқин майдон танлаб олинган.

Мазкур механизмда шоли кўчатлари махсус пластик кассеталарга жойланиб, иссиқхоналарда 20–25 кун мобайнида парваришланади ва далага 30х12 см схемада ҳар бир уяга 3-5 донадан экиб чиқилади. Замонавий технология бир қатор афзалликларга эга бўлиб, у шоли кўчатларининг далага бир хил экилишини таъминлайди, вақт ва ортиқча ишчи кучини тежайди. Деҳқон ва фермерларга кўчат экиш мавсумини муддатидан аввал якунлаш имконини беради.

Бундан ташқари, юртимизда шоли етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида илмий-тадқиқот институти ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда турли тадқиқотлар олиб бормоқда. Хусусан, Японияннинг Токио Қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети профессори билан келишув асосида институтга шолининг шўрга чидамли навлари олиб келиниб, вегетация майдонлар, кейинчалик далага кўчириб ўтказиш ҳамда янги навларни яратишда ота-оналик шакли сифатида фойдаланиш мақсадида экилди. Келгусида Хитой Миллий шоличилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда институт базасида Хитой-Ўзбек қўшма шоличилик тадқиқотлар марказини очиш ҳам режалаштирилган.

Вьетнамдан келган мутахассисларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитини ўрганиб, шоличилик соҳасидаги истиқболлари юзасидан берган тавсиялари бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳозир институтнинг коллекция кўчатзорида мавжуд бўлган Вьетнам селекциясига оид 3 та шоли нави парваришланиб, шимолий ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитида синовдан ўтказиляпти.



Ҳосилдорликни ошириш борасида замонавий агротехнологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги “KORIA” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда шоли етиштириш технологиясини механизациялаш йўли билан такомиллаштириш ва юқори ҳосил олиш борасида техник ҳамкорлик лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу каби лойиҳалар мамлакатимизда шоли етиштириш бўйича ресурсни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш, уларни фермер ва деҳқон хўжаликларида жорий этиш орқали шоличиликда юқори сифат ва ҳосилдорликни оширишга хизмат қилади.

Амалий кўмак

РАҚАМЛАР ИЖОБИЙ ТОМОНГА ЎЗГАРМОҚДА

аммо хотиржамликка берилиб бўлмайди

Наврўз РИЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоларидан иборат депутатлар гуруҳи Президентимиз фармон ва қарорлари ижросини ўрганиш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлиб турибди.



Мақсад ушбу ҳудудда коронавирус пандемиясини тезроқ бартараф этишга кўмаклашишдир.

Депутатлар дастлаб вилоят ҳокимлиги қошида ташкил этилган штабдаги маълумотлар билан танишдилар. Сўнгра жамоат жойлари, ташкилот ва идораларда карантин тадбирларининг қандай ташкил этилгани билан қизиқдилар. Улар ҳозир “қизил” ҳудуд саналган Ургут ва Тайлоқ туманлари қишлоқлари ҳамда тиббиёт бирлашмаларида бўлдилар.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, ушбу туманларда пандемия даврида коронавирус аниқланган шахслар ва улар билан бирламчи мулоқотга киришганлар учун давлат томонидан етарли маблағлар бериляпти. Масалан, Ургутда ана шу мақсадлар учун ҳозирга қадар қарийб 350 миллион сўм маблағ ажратилди. Тайлоқда ҳам етарлича ташкилий чоралар кўрилгани боис вазият ижобий томонга ўзгармоқда.

Маълумотларга кўра, вилоятда коронавирусга илк чалиниш 2020 йилнинг 5 апрель куни Самарқанд шаҳрида қайд этилган. Бугунги кун ҳолатига ушбу инфекцияга чалинганлар сони 378 нафарни ташкил қилмоқда. Шундан 319 нафари (84 фоиз) соғайган. Рақамлар ижобий томонга ўзгараётган бўлса-да, ҳали хотиржамликка берилишга эрта.

Муҳими, вилоятда тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига фаол жалб қилинган. Бу даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорда ҳар кунлик қўшимча тўловлар мунтазам тўлаб борилмоқда.

Масалан, вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходимларига карантин даврининг бугунги ҳолатига 230 миллион сўм рағбат сифатида тўланган. 27 нафар мутахассисга махсус тўлов тариқасида 900 миллион сўм ажратилиб, врачларга 25 миллион, ўрта тиббий ходимларга 15 миллион ва кичик мутахассисларга 10 миллион сўмдан устама маблағ ажратилган.

Марказдаги муаммолардан бири давлатимиз раҳбарининг “Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бажарилмаганидир. Мазкур қарорда санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ҳудудий бўлимлари тиббиёт ходимларининг лавозими маошига меҳнатнинг соғлиқ учун хавфлилиги ва оғир шароитлари учун белгиланадиган қўшимча тўловлар миқдорини тегишинча 15 фоиздан 50 фоизга ҳамда 40 фоиздан 75 фоизга ошириш белгилаб қўйилган. Марказда ушбу вазифалар ижроси тўлиқ таъминланмаган.

Депутатлар жойларда кузатилаётган карантин қоидаларининг бузилишига оид ҳолатларни вилоят ва туман ҳокимликлари билан тезда бартараф этишни йўлга қўймоқдалар. Масалан, Самарқанд шаҳридаги кўп тармоқли поликлиникада дезинфекция йўлакчаси йўқлиги муаммоси ва бир қанча масалалар ҳамкорликда бартараф қилинди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ вилоят ҳудудида профилактик дезинфекция тадбирларининг амалга оширилишини ҳам ўрганмоқдалар. Маълум бўлишича, ҳозиргача жойларда 328 896 та объектда шу каби тадбирлар олиб борилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг Самарқанд вилоятида пандемия ҳолатини ўрганишлари давом этмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2020 йил 11 июнь, 105-сон

Фан ва амалиёт



ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ МУҲАНДИСЛАР

ўпкани сунъий вентиляциялаш аппарати прототипларини яратди

Х.АБУЛФАЙЗОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Айни пайтда дунёда авж олган коронавирус пандемияси туфайли сифатли тиббий хизматга, хусусан, юқори аниқликда ишлайдиган замонавий тиббиёт ускуналарига эҳтиёж тобора ортмоқда.

Жумладан, касаллик оғир кечаётган беморлар ҳаётини сақлаб қолишда ўпкани сунъий вентиляциялаш аппаратининг ўрни жуда муҳим. Шу боис, мамлакатимизга хорижий давлатларнинг бундай ускуналари ва тест тизимлари харид қилиб келтирилмоқда. Табиийки, чет элдан сотиб олинаётган тиббиёт аппаратлари салмоқли маблағни талаб этади.

Юртимиздаги мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда тиббий ускуналарга бўлган эҳтиёжни таъминлаш ва уларга сарфланадиган харажатларни камайтириш мақсадида “Ўзавтосаноат” АЖ тасарруфидаги “Research and Development Center” илмий маркази мутахассислари ҳамда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабалари ҳамкорлигида ўпкани сунъий вентиляциялаш аппарати прототипи яратилди.

Аппаратнинг техник тавсифи жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради. Ускуна гипоаллерген моддадан тайёрланган бўлиб, уни дезинфекциялаш ҳам осон. Кислород, босим, намлик ва ҳарорат даражаси билан боғлиқ кўрсаткичларни хотирасида сақлаб қолади. Шунингдек, мазкур аппаратда тозалаш тизими ҳам мавжуд. Ишланган ҳаво фильтр орқали ўтади ва уни алмаштириш қийинчилик туғдирмайди.

Аппаратнинг яна бир афзаллиги узлуксиз электр қуввати манбаи билан жиҳозланганидир. Бу ускунанинг камида бир неча соат узлуксиз ишлашини таъминлайди.

“Ўзавтосаноат” АЖнинг молиявий қўллаб-қувватлови билан Турин политехника университетида ўпкани сунъий вентиляциялаш аппаратининг иккита прототипи яратилган. Олий таълим муассасасининг 2-курс талабаси Элёр Суннатов иккинчи прототип ихтирочисидир.

— Бугунги кунда COVID-19 пандемияси туфайли кўплаб беморлар шифохонада нафас ололмасликдан азият чекяпти. Биз, Турин политехника университети ихтирочилари уларга ёрдам бериш мақсадида сунъий нафас олдириш аппарати прототипини ишлаб чиқдик. Бу ускуна бошқа ривожланган давлатларда ҳам мавжуд ва ишлаб чиқарилмоқда. Аммо нархи жуда қиммат бўлгани учун юртимиздаги беморларни бу аппарат билан таъминлаш қийинчилик туғдирмоқда, — дейди Э. Суннатов. — Биз ишлаб чиққан ускуна эса ҳамёнбоп ва узоқ вақт ишлашга мўлжалланган. Ишлаш концепцияси ҳам содда. Ҳеч қандай мураккабликка эга эмас. Асосийси, масофадан бошқариш тизимига эга. Бундай аппарат ривожланган давлатларда 14-15 минг АҚШ доллари қийматида баҳоланади. Биз ясаган ускуна прототипи эса атиги 100-200 доллар туради. Аппаратни планшет орқали масофадан туриб бошқариш имконияти мавжуд. Бу беморга қараётган ҳамшира, умуман, тиббиёт ходимининг касалликка чалинмаслигига ёрдам беради. Беморнинг ҳарорати, қон босими, кислороднинг бориши — ҳамма жараён масофадан туриб назорат қилинади. Биз планшет учун аппаратни бошқарадиган махсус дастур ишлаб чиққанмиз. Унинг ичида Blutooth модули мавжуд бўлиб, 40–50 метргача узоқликда туриб бошқариш имконини беради. Планшетда беморларнинг ёш кўрсаткичлари 0–10, 10–20, 20–40, 40–60, 60–80 ёшлари бўйича тоифаланиб, тугмаларда акс этган. Ҳар хил ёшдаги инсонларнинг нафас олиш тизими турлича бўлгани учун уларнинг нафас олишига мос равишда махсус тугмачалар ишлаб чиқдик. Бу тугмаларни босиш орқали аппаратни созлаш мумкин. Қайси ёш тугмаси босилса, ускуна ўша ёшдаги инсонларнинг нафас олиш тизимига мослашади. Бу дастур тўлиқ тугалланмаган. Малакали шифокорлар, мутахассислар билан маслаҳатлашиб, нафас олиш тизимини ўрганиб, мураккаб тизим яратиш арафасидамиз. Мана шу кичкина аппарат орқали нафас олишга қийналаётган жуда кўплаб инсонларга ёрдам бера оламиз, деган умиддамиз.

Аппаратнинг ишлаш принципи оддий. Ускунанинг орқа томонида кислород баллончаси ўрнатилган. У аппаратга найча орқали уланади. Махсус камерада кислород билан оддий ҳаво аралашиб, керакли фоизи баллонча ичига келади. Баллонча босим билан махсус шланглар орқали кислородни мос суръат ва босимда одамнинг ўпкасига юборади.

Бу янгилик сунъий нафас олиш ускунаси муҳимлик касб этаётган айни кунларда пандемия туфайли азият чекаётган кўплаб бемор юртдошларимизга наф беради.

Мулоҳаза

КАМБАҒАЛЛИКНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНИ НИМА?

Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда 10-15 фоиз аҳоли камбағалликда яшаши ҳақида гапириб ўтилди ҳамда аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Шу ўринда битта савол туғилади — камбағаллик қандай ўлчанади ва унинг бирор мезонлари борми? Ким камбағал? Ишсиз аҳолими, уй-жойи йўқ ёки томорқаси бўла туриб, даромад ололмаётган фуқароми? Хўш, аҳолининг турмуш даражаси қандай ўлчанади?

Аҳоли турмуш даражаси ва сифати иқтисодий ва ижтимоий сиёсат, аҳоли даромадлари ва харажатларини тартибга солиш бўйича сиёсат натижаси кўрсаткичидир. Турмуш даражасини аниқлаш учун истеъмол саватчасидан, яъни муайян истеъмол даражасини таъминловчи товарлар ва хизматлар мажмуидан фойдаланилади.

Истеъмолнинг минимал ва рационал даражаси мавжуд. Истеъмолнинг минимал даражаси истеъмолчининг мавжуд бўлган нормал шароитларни таъминлаш чегарасидан ташқарига чиқаради, яъни у камбағаллар тоифасига айланади. Истеъмолнинг рационал даражаси индивид учун энг мақбул истеъмол миқдори ва таркибидир. Рационал истеъмол бюджетида харажатнинг асосий қисмини ноозиқ-овқат товарлар — маиший ва маданий мақсадлар учун мўлжалланган нарсалар, минимал истеъмол бюджет эса инсон танасининг нормал ишлаши учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган. Истеъмолнинг минимал даражаси камбағаллик чегарасини белгилайди. “Камбағаллик чегарасидан” пастда яшовчи аҳоли улуши мамлакатда турмуш даражасини тавсифловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, камбағаллик мезонини аниқлаш учун, аввало, истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш лозим бўлади.

2020 йил 3 июнь куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига жорий йил 1 октябрига қадар тирикчилик учун зарур энг кам миқдор ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Хўш, истеъмол саватчаси қандай аниқланади?

Жаҳон тажрибасида аҳоли яшаш минимумини ҳисоблашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

Статистик усул — 10-20 фоиз кам таъминланган қатламнинг ўртача даромади яшаш минимумини ўрнатиш имкониятлари билан аҳоли фикри тўғри келмайди, бироқ бу усул аҳолининг истеъмолини тўғри белгилайди.

Ресурс усули – яшаш минимумини иқтисодиётнинг имкониятларидан келиб чиқиб белгилаш бўлиб, бу усул ҳам юксак ривожланган давлатларда қўлланилади.

Норматив усул – давлат томонидан минимал истеъмол бюджети қонун ва ижтимоий нормативлар билан белгиланади. Нисбий усулда ривожланган давлатнинг аҳолиси сони даромадига кўра тенг иккига бўлинади. Аҳолини тенг иккига ажратувчи даромад медиана даромади ҳам дейилади. АҚШ, Буюк Британия, Германияда медианадан 40 фоиз миқдорида, Финляндия, Италия, Греция, Испанияда 50 фоиз, Португалия ва Ирландияда 60 фоиз миқдорида яшаш минимуми белгиланган.

Яшаш минимуми энг кичик миқдорининг таркиби турли давлатларда турлича қилиб белгиланган. Масалан, АҚШда истеъмол саватчасига 300 номдаги, Германияда 475 номдаги, Буюк Британияда 350 номдаги, Россияда 156 номдаги товар ва хизматлар киритилган.

Истеъмол саватчасини учта асосий таркибий қисмга: озиқ-овқат, ноозиқ-овқат ва хизматларга ажратиш мумкин. Истеъмол саватчасидаги озиқ-овқатлар миқдори улуши аҳоли турмуш даражасининг қай даражада эканлигини белгилайди. Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми истеъмол саватчасида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши зиёд. Худди шуни бартараф этиш ва истеъмол саватчасида ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар миқдорини ошириш мақсадида ижро ҳокимияти олдига бир қатор вазифалар қўйилади. Бунда асосий эътибор аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, имкониятдан самарали фойдаланишга қаратилди.

Аҳолимизнинг кўп қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва уларда томорқа ерлари мавжуд. Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кам таъминланганлар рўйхатида турувчи аҳолидан аксариятнинг томорқаси бўлиб, уларни тўғри йўналтириш, томорқасидан даромад олишни ўргатиш бугунги иқтисодиётимизнинг асосий мақсадидир.

Истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосини яратиш орқали аҳоли камбағалликдан қутулиб қолмайди, балки уларнинг сонига аниқлик киритилади, холос. Худди шу мақсадда аҳоли даромадини оширишнинг энг самарали йўли фуқароларни боқиманда кайфиятдан чиқариш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка йўналтиришдан иборат бўлиши лозим.

Бундан ташқари, истеъмол саватчасини тасдиқлаш ва истеъмол бюджети чегараларини белгилаш муносабати билан мамлакат иқтисодиёти, ҳудудлари ва тармоқларида иш ҳақининг минимал чегараларини қайта кўриб чиқиш, яъни иш ҳақи ва истеъмол бюджетининг минимал миқдори нисбатларини аниқлаштириш ҳамда уларни босқичма-босқич тенглаштириш амалиётини жорий қилиш зарур бўлади.

Омилкорлик

ТУТЗОРЛАРДАН ТЎРТ МАРТА ҲОСИЛ

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист

Пилла етиштириш мавсуми ниҳоясига етди. Серқирлиқ, серёмғир келган баҳор ва яна пандемия шароитида меҳнат қилган заҳматкаш пиллакорлар режаларини ошириб бажаришга эришдилар. Илк ҳосил хирмонларга тўкилди.



Одатда пиллани йилнинг илк маҳсулоти деб аташга одатланиб қолганмиз. Аслида эса...

Айни шу тутзорлар оралиғидаги ер майдонларига эртаги сабзавот эккан ва яхши парвариш қилган миришкор инсонлар пилла теримидан олдинроқ биринчи ҳосилни йиғиштириб олишга улгуришганди.

Демак, бир даладан бир вақтнинг ўзида икки ҳосил ундириб олинган. Йўқ, аслида уч! Йўқ, йўқ, тўртта. Бу ҳақда кейинроқ.

“Хонқаагропилла” масъулияти чекланган жамияти директори О. Иброҳимов тақдим қилган маълумотлардаги қуйидаги рақамлар кайфиятимизни кўтаради ва ҳатто ҳайратга солади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича берилган кўрсатмаларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида тумандаги мавжуд тутзорлар оралиқ ер майдонларининг бирор қарич ери ҳам бўш қолдирилмаган. Кузда сифатли шудгор қилинган ва қиш мавсумида шўри ювилган тутзорлар оралиғидаги майдонларнинг 81,5 гектарига картошка, 77 гектарига пиёз, 15,6 гектарига саримсоқпиёз, 6,8 гектарига карам, 10 гектарига сабзи, 49 гектарига помидор, 7,2 гектарига кўкатлар экилган.

3,3 гектаридаги маккажўхори ва салкам 310 гектаридаги буғдой ҳамда 50 гектардан ошиқ ерга экилган бошқа сабзавотларни ҳам эътиборга олсак, бир қарашда фақатгина мавсумда ипак қурти учун озуқа бўладиган тутзорларнинг қанчалик даромад манбаи эканлиги кўринади.

Пилла ҳосили билан бир вақтда аксар сабзавотлар ҳам йиғиштириб олинган. Миқдорлар тонналарда, даромад эса миллиард сўмларда ўлчанмоқда.

Тутзорларга эга фермерлар ва ипакчиликни касаначилик усулида олиб бораётган хонадон эгалари етиштирган ҳосил билан, биринчи навбатда, ўз оилаларини таъминлаган бўлса, ортиқчасини бозорга олиб чиқишяпти. Бугун бозорлардаги тўкинлик ва арзончиликнинг бир учи айнан тутзорлардан самарали фойдаланишга бориб тақалади.

Тутзорлар оралиғида экилган буғдой ҳосилини йиғиштириб олиш ҳозир авжида. Тўғри, тутзорлар орасидан 50-60 центнерлик хирмон кўтариш қийин. Аммо ўрнига экиладиган такрорий экинлар шу камчиликни қоплаб кетиши аниқ.

Тутзорлар аллақачон икки ҳосилини туҳфа қилиб бўлди, дедик. Биринчиси, енгил саноатимиз учун ғоятда зарур пилла бўлса, иккинчи ҳосил буғдой ва деярли барча турдаги сабзавотлардир.

Учинчи ҳосил – такрорий экинлар экиш учун ҳаракат аллақачон бошланган. Кузда учинчи ҳосил ҳам йиғиштириб олинади. Пиллакор шу тахлит илкидаги саноқли гектар майдонлардан бир мавсумда тўрт бора ҳосил олади ва даромади бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экадиган деҳқонларникидан кўп бўлса бўладики, кам бўлмайди.

Ҳа, шунақа!

Тўртинчи ҳосил нима, деяпсизми?

Тут новдалари қишлоқ аҳли учун, айниқса, табиий газ етиб бормаган ҳудудларда қаҳратон қишда уйларни иситишда, ўчоққа, тандирга ёқишда асқотадиган кучли калорияли ўтиндир.

Мутахассислар фикрича, бир гектар тутзордан ипак қурти емиши вақтида кесиб олинган тут новдалари миқдори жиҳатдан икки тонна сифатли кўмир ёқилғиси ўрнини бемалол босаркан. Бу эса салкам миллион сўм дегани.



Ҳудудлар номи	Касаллик аниқланганлар (Даволанаётганлари кўрсатилган)	Соғайганлар сони ва фоизи		Вафот этганлар
Қорақалпоғистон Республикаси	136	133	98%	
Андижон вилояти	181	177	98%	
Бухоро вилояти	468	457	98%	
Жиззах вилояти	3	3	100%	
Қашқадарё вилояти	12	6	50%	
Навоий вилояти	242	150	62%	
Наманган вилояти	270	254	94%	4
Самарқанд вилояти	383	327	85%	2
Сирдарё вилояти	Барча беморлар Тошкент шаҳрига ўтказилган.			
Сурхондарё вилояти	44	43	100%	1
Фарғона вилояти	158	157	100%	1
Хоразм вилояти	247	233	94%	
Тошкент шаҳри	2479	1592	64%	11

Қонун ва ижро



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Дунёда коронавирус пандемияси туфайли юзага келган глобал иқтисодий муаммолар оилалар барқарорлигига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Маълумотларга кўра, жорий йилда дунё миқёсида оилавий зўравонлик ҳақида келиб тушаёган мурожаатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир неча баравар кўпайган.

ТИЗИМЛИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ИҚТИСОДИЙ ЧОРАЛАР

оиладаги зўравонликка қарши курашишда ўз самарасини бермоқда

Counting Dead Women лойиҳаси асосчиси И.Смитнинг таъкидлашича, Буюк Британияда оилавий зўравонлик оқибатида аёлларнинг вафот этиш кўрсаткичи аввалги ҳолатларга нисбатан 4 баравар ошган. Шу боис, глобал пандемияга қарши курашиш баробарида оилавий зўравонлик муаммосининг олдини олиш ҳам халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътиборида бўлиб турибди.

Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланган. Сўнгги йилларда бу йўналишдаги ишлар янада такомиллашмоқда. 2019 йил 3 сентябрда кучга кирган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Қонунга мувофиқ, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат ташкилотларининг соҳадаги ваколатлари, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Қонунда, шунингдек, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари содир этилганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Бу йўналишда профилактика суҳбатини ўтказиш, ҳимоя ордерини бериш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни махсус кўмак марказларига жойлаштириш, зўравонларнинг хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш чоралари амалга оширилади.

Мазкур қонунга асосан, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 4 январда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

ОРДЕР ҚАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?

— Низомга мувофиқ, жабр кўрган аёл ёки бу ҳақида хабардор бўлган учинчи шахс (қўшни, қариндош ва бошқалар) яшаш ҳудудидаги ҳуқуқ-тартибот органларига ариза билан мурожаат қилса, ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори зўравонликка учраган фуқарога 24 соат ичида ҳимоя ордери бериши керак, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Умид Шодиев. — Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва у расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. 30 кунлик муддат учун бериладиган ҳужжат 3 нусхада бўлади ва аризачи, зўравонлик содир қилган шахс ва профилактика инспекторида сақланади.

30 кун муддатда жабр кўрган аёлга зўравонлик содир қилган шахс томонидан яна тан жароҳати етказилса, фуқарога нисбатан жиноят иши очилади. Хавф-хатар ҳали бартараф қилинмагани аниқланса, ҳимоя ордери муддати узайтирилиши мумкин.

Бундай вазиятда жабрдийдаларни вақтинча сақлаб туриш учун Президентимизнинг 2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 197 та махсус марказ ташкил этилган. Бундай муассасалар юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида фаолият юритмоқда.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигидан маълум қилишларича, ушбу марказларга шу кунга қадар қарийб беш мингга яқин мурожаат бўлган. Мурожаатчиларнинг 2895 нафари аёл, 262 нафари эркак, 105 нафари 18 ёшга тўлмаган боладир.

Реабилитация марказларига мурожаат этган ҳар бир инсон муаммоси мутахассислар томонидан жиддий назоратга олинади. Жойлардаги маҳалла фаоллари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда оиладаги зўравонликнинг сабаби атрофлича ўрганилади. Оилавий келишмовчиликларнинг туб илдизида маънавий сабаблар қатори иқтисодий муаммоларнинг етакчи ўринларда туришига кўз юмиб бўлмайди. Шу боис, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, оғир турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларга уй-жой сотиб олишга кўмаклашиш ва аёллар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 28 мартидан 28 апрелига қадар республика миқёсида ўтказилган “Оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш” тарғибот ойлиги давомида икки миллион етти юз мингдан зиёд оиладаги мавжуд вазият ўрганилиб, ўттиз мингга яқин оилада аниқланган муаммо ва камчиликлар бартараф этилди. Буларнинг барчаси, аввало, оилада тинчлик-тотувлик муҳитини яхшилаш, оилавий зўравонлик ва оила фаровонлигига таъсир этадиган муаммоларнинг олдини олишда ўз самарасини бермоқда.

Шу билан бирга, жорий йилнинг ўтган уч ойида ички ишлар органлари томонидан 316 нафар хотин-қизга, етмиш нафардан кўпроқ ёш ва вояга етмаганларга ҳимоя ордери берилди.

— Оилавий зўравонлик туфайли реабилитация ёрдамига муҳтож бўлганларга кўмак бериш учун, аввало, оиладаги муаммолар ўрганилади, — дейди Жиззах вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Гулноза Ҳамроева. — Кўпинча бундай инсонлар ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмаслиги туфайли муаммолар гирдобига тушиб қолади. Уларга тиббий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатилади, касб-ҳунар ўргатилади. Уй-жойга муҳтожларни уй билан таъминлаш чоралари кўрилади. Зеро, оилада юзага келадиган бундай муаммолар ўз вақтида бартараф этилса, жамиятда ҳам барқарорлик таъминланади.

Айни пайтда мамлакатимизда глобал пандемиянинг аҳоли турмуш тарзига салбий таъсирини юмшатиш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда маҳаллаларда ҳам муҳим лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Ал-

Қадрият

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ ҒОЯСИ

Ўзбекистон халқини бирлаштирувчи, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига кўтаришга қаратилган аҳду паймондир



Ҳазрат ЖАББОРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

Жаҳон тарихида халқларнинг юксалиши уларнинг маънавий, ғоявий бирлашувидан бошланган. Улар айнан миллий ғоя асосида мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтган. Миллий ғоя уларнинг Ватанга бўлган садоқати, маънавияти ва маданиятини юксалтириб, буюк мақсадлар сари сафарбар этган.

Ватанимиз тараққиётининг янги босқичига хос бўлган асосий хусусиятлар, мақсад ва вазифалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва бошқа муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳужжатларда аниқ белгилаб, асослаб берилган. Уларда жаҳондаги, Марказий Осиё минтақасидаги вазият, ривожланиш тенденциялари, истиқболдаги тараққиёт йўллари чуқур таҳлил этилган.

Ўзбекистонда айни шу асосда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада либераллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани ҳақидаги конституциявий тамойил асосида халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатни инновацион ривожлантириш, одамларда фаол фуқаролик позицияси ва ташаббускорликни кучайтириш, мустақил дунёқараш ва фикрлаш кўникмасини шакллантириш, жамиятда адолат устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий-демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши кураш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бўйича муҳим вазифалар амалга оширилди.

Жамият ҳаётининг барча бўғинларида халқ билан мулоқотнинг турли шакл ва воситалари, жумладан, Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхоналар, Бош вазир қабулхонаси, масъул ва мутасадди раҳбарларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги ҳисоботлари, сайёр қабуллар, ижтимоий муаммоларни, одамларнинг яшаш шароитларини бевосита жойларга чиқиб ўрганиш каби усуллар кенг қўлланаётгани миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга, пировард натижада аҳоли манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик қўлга киритилиши халқимизга улкан имкониятлар ҳамда дунё ҳамжамиятидаги тенглик каби ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган ҳуқуқимизни қайтариб берди. Пировардида миллий ўзлигимизни англадик, миллий ғоямизни ишлаб чиқдик, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди, миллий тикланишдан миллий юксалиш томон одимламоқдамиз.

Ҳар бир халқ, миллат, давлат ўзи англаган, ишонган, қабул қилган миллий ғояси, қадриятлари ва ижтимоий-маънавий нормалари бўлмаса, бирлаша олмайди. Бирлашмаса, иқтисодий ривожланиб, ички ва ташқи таҳдидларга қарши тура олмайди. Шу маънода миллий ғоя Ўзбекистон халқининг бирлашиб, ҳар жиҳатдан тикланиш ва юксалишига, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига кўтарилишга қаратилган аҳду паймонидир.

Миллий ғоя ҳар бир ўзбекистонликни ижтимоий фаолликка, ислоҳотларга дахлдорликка, ҳаётдан рози бўлиб, бахтли яшаш учун илм-фан ютуқларини, касб-ҳунар сирларини эгаллашга, тадбиркорликка чорлайди. Миллий ғояни ривожлантириш орқали миллий қадриятлар, урф-одатлар, шонли тарихимиз билан фахрланиш ва уни бус-бутун келажак авлодга етказиш мақсади Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифалар билан бир-бирига мувофиқлиги одамга маънавий куч-қудрат беради.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғоя асосида миллий тикланиш ва юксалиш хусусиятларини янада ривожлантириш мамлакат олдида турган стратегик вазифаларни амалга оширишда фуқароларнинг бирлашувини, фаоллигини, масъулиятини, Ватанга садоқатини, маънавиятини, маърифатини ва маданиятини оширади ҳамда уларни улуғ мақсадларга сафарбар қилади.

Ёшлар келажагига қаратилган беш ташаббусда китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Китоб ёшлар маънавий оламини бойитади. Уларнинг дунёқарашлари, жамиятга бўлган муносабатларини шакллантиради.

Миллий ғоямиз асосида миллий қадриятларимиз бўлиб, улар халқимизнинг миллий тикланиш ва миллий юксалишга бўлган ишончи ва қатъиятини юксалтиради. Айтиш жоизки, миллий қадрият деганда, энг аввало, тарихий синовларга бардош берган, халқимизнинг миллий манфаатларини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган, замонавий тараққиёт талабларига бутунлай жавоб бера оладиган, асрлар ўтгани сайин қадр-қиммати ортиб борадиган ғоялар тушунилади. Ҳаёт ривожланиб бораркан, қадрият ҳам такомиллашиб, мукаммаллашаверади.

Миллий қадриятларимиз улкан тарбиявий аҳамиятга эга. Унинг ёшларимизда ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни камол топтиришдаги ўрни, айниқса, юқори.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоямизнинг асосида меҳнаткаш, заҳматкаш, меҳмондўст ва бағрикенг халқимизнинг энг асосий орзу-истаклари ўз туғилиб, униб-ўсган она юртнинг мангу тинчлигини таъминлашдан иборат эканини англаймиз. Шундай экан, унинг устувор вазифалари мустақилликни олий қадрият даражасига кўтариш, умуминсоний, умуминг энг ривожланган давлатлари қаторига кўтарилишга қаратилган аҳду паймонидир.

Миллий ғоя ҳар бир ўзбекистонликни ижтимоий фаолликка, ислоҳотларга дахлдорликка, ҳаётдан рози бўлиб, бахтли яшаш учун илм-фан ютуқларини, касб-ҳунар сирларини эгаллашга, тадбиркорликка чорлайди. Миллий ғояни ривожлантириш орқали миллий қадриятлар, урф-одатлар, шонли тарихимиз билан фахрланиш ва уни бус-бутун келажак авлодга етказиш мақсади Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифалар билан бир-бирига мувофиқлиги одамга маънавий куч-қудрат беради.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғоя асосида миллий тикланиш ва юксалиш хусусиятларини янада ривожлантириш мамлакат олдида турган стратегик вазифаларни амалга оширишда фуқароларнинг бирлашувини, фаоллигини, масъулиятини, Ватанга садоқатини, маънавиятини, маърифатини ва маданиятини оширади ҳамда уларни улуғ мақсадларга сафарбар қилади.

Ёшлар келажагига қаратилган беш ташаббусда китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Китоб ёшлар маънавий оламини бойитади. Уларнинг дунёқарашлари, жамиятга бўлган муносабатларини шакллантиради.

Миллий ғоямиз асосида миллий қадриятларимиз бўлиб, улар халқимизнинг миллий тикланиш ва миллий юксалишга бўлган ишончи ва қатъиятини юксалтиради. Айтиш жоизки, миллий қадрият деганда, энг аввало, тарихий синовларга бардош берган, халқимизнинг миллий манфаатларини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган, замонавий тараққиёт талабларига бутунлай жавоб бера оладиган, асрлар ўтгани сайин қадр-қиммати ортиб борадиган ғоялар тушунилади. Ҳаёт ривожланиб бораркан, қадрият ҳам такомиллашиб, мукаммаллашаверади.

Миллий қадриятларимиз улкан тарбиявий аҳамиятга эга. Унинг ёшларимизда ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни камол топтиришдаги ўрни, айниқса, юқори.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоямизнинг асосида меҳнаткаш, заҳматкаш, меҳмондўст ва бағрикенг халқимизнинг энг асосий орзу-истаклари ўз туғилиб, униб-ўсган она юртнинг мангу тинчлигини таъминлашдан иборат эканини англаймиз. Шундай экан, унинг устувор вазифалари мустақилликни олий қадрият даражасига кўтариш, умуминсоний, умуминг энг ривожланган давлатлари қаторига кўтарилишга қаратилган аҳду паймонидир.

Миллий ғоя ҳар бир ўзбекистонликни ижтимоий фаолликка, ислоҳотларга дахлдорликка, ҳаётдан рози бўлиб, бахтли яшаш учун илм-фан ютуқларини, касб-ҳунар сирларини эгаллашга, тадбиркорликка чорлайди. Миллий ғояни ривожлантириш орқали миллий қадриятлар, урф-одатлар, шонли тарихимиз билан фахрланиш ва уни бус-бутун келажак авлодга етказиш мақсади Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифалар билан бир-бирига мувофиқлиги одамга маънавий куч-қудрат беради.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғоя асосида миллий тикланиш ва юксалиш хусусиятларини янада ривожлантириш мамлакат олдида турган стратегик вазифаларни амалга оширишда фуқароларнинг бирлашувини, фаоллигини, масъулиятини, Ватанга садоқатини, маънавиятини, маърифатини ва маданиятини оширади ҳамда уларни улуғ мақсадларга сафарбар қилади.

Ёшлар келажагига қаратилган беш ташаббусда китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Китоб ёшлар маънавий оламини бойитади. Уларнинг дунёқарашлари, жамиятга бўлган муносабатларини шакллантиради.

Миллий ғоямиз асосида миллий қадриятларимиз бўлиб, улар халқимизнинг миллий тикланиш ва миллий юксалишга бўлган ишончи ва қатъиятини юксалтиради. Айтиш жоизки, миллий қадрият деганда, энг аввало, тарихий синовларга бардош берган, халқимизнинг миллий манфаатларини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган, замонавий тараққиёт талабларига бутунлай жавоб бера оладиган, асрлар ўтгани сайин қадр-қиммати ортиб борадиган ғоялар тушунилади. Ҳаёт ривожланиб бораркан, қадрият ҳам такомиллашиб, мукаммаллашаверади.

Миллий қадриятларимиз улкан тарбиявий аҳамиятга эга. Унинг ёшларимизда ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни камол топтиришдаги ўрни, айниқса, юқори.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоямизнинг асосида меҳнаткаш, заҳматкаш, меҳмондўст ва бағрикенг халқимизнинг энг асосий орзу-истаклари ўз туғилиб, униб-ўсган она юртнинг мангу тинчлигини таъминлашдан иборат эканини англаймиз. Шундай экан, унинг устувор вазифалари мустақилликни олий қадрият даражасига кўтариш, умуминсоний, умум-

Ёшлар – келажагимиз

МАЪНАВИЯТ, МАЪРИФАТ ВА ТАЪЛИМ МУШТАРАКДИР

Ботир ДАМИНОВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон ривожланишининг муҳим шарти – халқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технология ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Давлат иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ошиши алоҳида фуқароларнинг касб маҳорати, ўз ишини сидқидилдан бажаришига бевосита боғлиқ. Бу эса ўз навбатида олий ўқув юртларида маҳоратли кадрларнинг етиштирилиши, малакали педагогларнинг таълим олишини кўзда тутади. Давлатимиз раҳбари ёшларга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш мақсадида мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилаш вазифасини қўйди. Буларнинг барчасидан кўзланган мақсад сифатли, жамиятга фойдаси тегадиган ўз ишига компетентлик билан ёндашадиган кадрларни етиштиришдан иборат.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ҳам юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш бўйича халқаро таълим стандартларига асосан иш олиб борилмоқда. Хусусан, бу ерда халқаро факультет ташкил этилиб, Россиянинг Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети билан қўшма таълим дастури асосида “Педиатрия” ва “Даволаш иши” мутахассисликлари, клиник ординатуранинг “Неврология” мутахассислиги бўйича ўқув режалари ва дастурлари, дарс жадваллари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу йўналишларда халқаро факультетда таҳсил олувчи талабалар учун махсус педагог кадрлар саралаб олинди ва Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университетида малака ошириши таъминланди. 2019/2020 ўқув йилида мазкур факультетда бакалавриатнинг 2 та таълим йўналиши бўйича 44 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. Неврология ва бошқа йўналишларда бугунги кунда эҳтиёж катталиги инобатга олиниб, клиник ординаторларни тайёрлашга аҳамият берилмоқда.

Назарий билимлар амалиётда қўлланилгандагина жамиятга фойда келтиради. Бу оддий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий таълимни ривожлантириш марказига иш режаси ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги ва узвийлигини таъминлаш ҳамда талабаларнинг амалиётда зарур бўладиган билим ва кўникмаларини шакллантириш, ўзлаштириш даражасини аниқ белгилаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти педагог ходимларини танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини такомиллаштириш юзасидан қарор лойиҳасига вакант педагогик лавозимлар ҳақида институтнинг веб-сайтидаги махсус саҳифада марказлашган ҳолда эълонлар бериб бориш тизими жорий этилди. Жумладан, 2019-2020 ўқув йилида 32 нафар янги профессор–ўқитувчи танловдан ўтказилган ҳолда беш йил муддатга қабул қилинди. Шу билан бирга, танлов муддати тугаган профессор–ўқитувчилар қайта танловдан ўтказилиб, меҳнат шартномалари давом эттирилди.

Ўқитувчилар лавозимида аттестация танловидан ўтиш учун белгиланган беш йиллик муддат қайта кўриб чиқилди ҳамда бир йиллик меҳнат шартномала-



рини жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳам тақдим этилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессор-ўқитувчиларининг Тошкент врачлар малака ошириш институти, тиббий олий таълим муассасалари қошидаги малака ошириш факультетлари ва ихтисослаштирилган марказларда 2020 йил январь-май ойларида жами 18 нафар ходимнинг мутахассислик бўйича малака ошириши таъминланди.

Тадқиқотларни янги даражага олиб чиқиш, диссертация ҳимоялари сонини ва сифатини ошириш учун докторант ва изланувчиларга барча шарт-шароитлар яратилган. Шу боис, 2020 йил май ҳолатига 7 та DSc ва PhD ҳимояси бўлиб ўтди. 10 нафар изланувчи диссертация ишини илмий кенгашга топширди.

Институтда карантин вақтида масофадан ўқитиш тизими ишлаб чиқилиб, махсус платформага 5 та бакалавр таълим йўналишида (ХФ) 63 та фан бўйича, 33 та магистратура мутахассислигида 59 та фан бўйича ўқув услубий материаллар, институт профессор-ўқитувчиларининг 350 та видеомаърузаси юкланди. Онлайн машғулотларни ўтишда ZOOM конференцалоқа платформасидан фойдаланилди.

Маъруза, вебинарлар учун махсус АКТ билан таъминланган 2 та зал мавжуд. Гарчи масофавий ўқитиш натижалари мониторинг қилинганда баъзи хатоликларга йўл қўйилгани аниқланган бўлса-да, асосийси, кўзланган мақсад — талабаларга зарур билимларни беришга эришилди.

Машғулотларнинг клиник амалиёт қисми беморни кўрикдан ўтказиш орқали амалга оширилади, аммо карантин шароитида бунинг имкони йўқ ва масофавий таълим жараёнида амалий кўникмаларни ўзлаштириш имконияти чекланган. Ечим сифатида институт раҳбарияти томонидан ҳар бир кафедрага волонтёрларни жалб этган ҳолда амалий кўникмалар бажарилишини видео шаклида тайёрлаш вазифаси берилди.

Пандемия бутун дунёга, жумладан, олий таълим муассасаларига ҳам ҳар қандай шароитга тайёр туриш кераклигини кўрсатди. Педиатрия йўналишида сифатли кадрларни етиштириш, уларга фундаментал назарий билим бериш ва амалий кўникмаларини шакллантириш, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган тажрибали мутахассис этиб тарбиялаш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бу ажойиб ғояни амалга оширишида чуқур маънони англадим. "Адабиёт яшаса — миллат яшайди", дейди оловқалб шоир Чўлпон. Адабиёт — миллатнинг кўнгли, у инсонни майда-чуйда ташвишлардан қутулиб, юқори манзилларни эгаллашга йўналтиради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 11 июнь, 105-сон

Адиблар хиёбонидаги ўйлар



Севимли адибимиз Саид Аҳмад билан биринчи учрашувим ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида бўлиб ўтган эди. Ўшанда адибнинг роман, қисса, ҳикоялари аллақачон ўқувчилар меҳрини қозонган, устоз машҳурлик пиллапоясининг юқори поғонасига кўтарилган пайтлар эди. Биз, ёш шоир, танқидчи ва қаламкашлар эл орасида танилган ижодкорларнинг атрофида гирдикапалак бўлиб юрардик.

Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.



Ҳайкал пойида



Саид Аҳмадни хотирлаб...

Тўлқин ТЕШАБОЕВ,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети ректори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

Пойтахтимизда Адиблар хиёбонининг очилиши янги Ўзбекистон тарихида катта воқеа бўлди. Мазкур хиёбонда ўзбек тупроғида яшаб ижод этган, халқининг нурли келажаги учун курашган ва ўзидан бебаҳо асарлар қолдирган йигирмадан зиёд сўз санъати сеҳргари хотирасини абадийлаштириш йўлида катта қадамлар ташлангани бир умрга хотирамизда муҳрланиб қолди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва бошқа ўнлаб олий ўқув юртларига машҳур адиб-шоирларнинг ҳаёт ва ижод йўлини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш вазифаси қўйилгани эса ҳаммамизни бирдек қувонтирди. Зеро, бу узоқни ўйлаб қилинган сиёсий ва маънавий тадбирдир. Чунки бу хиёбон билан адабий боғланиш, талаба ёшларни учрашув, жонли суҳбатларга таклиф этиш самараси шундаки, у адабиёт билан халқни, демакки, ҳаёт билан амалиётни, китоблар олами билан ёш авлодни руҳан-маънан яқинлаштириш, одоб ва ахлоқда, маънавият ва сиёсатда, таълим ва тарбияда уйғунликка эришишни таъминлаш, ёшлар онги ва қалбини Ватан, озодлик, бағрикенгликка, юрт учун қайғуриб яшашга ўргатишга хизмат қилади.

Куни кеча Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси севимли адибимиз Саид Аҳмад хотирасини ёд этишди. Шу кунга қадар профессор-ўқитувчилар ва истеъдодли талабаларимиз бир неча марта хиёбонга ташриф буюриб, фидойи, юртпарвар адиб ҳаётининг очилмаган қирралари билан яқиндан танишишга улгурдилар. Саид Аҳмад баракали ижод қилиб, "Уфқ" (1964-1974) трилогияси, "Жимжитлик" (1988) романи ва юздан зиёд ҳикоя ёзди. Унинг "Келинлар қўзғолони", "Куёв" каби ўлмас саҳна асарлари драматургиямизнинг олтин фондидан муносиб ўрин эгаллаган.

Ардоқли адибимиз ўзининг ҳажвий ҳикояларида тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган урф-одатларни кулгуга олиб, муҳим маънавий масалаларни ўртага қўйди. Саид Аҳмад кичик ҳажвий асарлари билан ўзбек радио ва телевидениесидаги миниатюралар театрига асос солганди. Бугунги кунда адибнинг нашриётларда чоп этилган кўп жилдли "Сайланма"си кутубхонамиз тўридан ўрин эгаллаган.

Ёзувчи бугун ҳаёт бўлганида айни 10 июнь куни қутлуғ 100 ёшни қаршилаган бўлар эди. Шу муносабат билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида адиб юбилейига бағишлаб онлайн конференция ўтказилди. Конференцияда адабиётчи, маънавиятчи, тарихчи олимлар, профессор-ўқитувчилар, адиблар ва шоирлар, адабиёт ихлосмандлари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, устоз ўзидан яхши ном, нодир китоблар қолдириб, халқимизнинг руҳини, дунёқарашини оширишга муносиб ҳисса қўшди. Ана шу буюк хизматларини ҳисобга олиб, давлат ва ҳукуматимиз адибни "Буюк хизматлари учун" ордени ва Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвони билан мукофотлаган эди.

Адабиёт яшаса, миллат ҳам яшайди, дейди алломаларимиз. Адабиёт жамият ва шахс ҳаётига эзгу ғояларни олиб киради, инсон ҳаёти ва қалбини безайди, инсон мўъжизавий куч эканини барчага эслатиб туради. Адиб ва шоирлар эса ўлимидан кейин иккинчи умрини яшайдилар. Улар қаторида ажойиб сўз санъаткори ва жамоат арбоби Саид Аҳмад ҳам бор.

"МУҲИМИ, РОСТ СЎЗЛАШ ВА РОСТ ЁЗИШДИР"



Бахтиёр ОМОНОВ,
адиб, сиёсий фанлар доктори

Навоий кўчасида жойлашган Ноширлар уйида ўзбек адабиётининг яловбардорлари ва ўз ишининг усталари — Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Жамол Камол, Машраб Бобоев, Низом Комилов, Хайриддин Султонов, Носир Фозилов, Эркин Аъзам, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф ва бошқалар меҳнат қилишарди. Камина ҳам Ғафур Ғулом номидаги нашриётнинг "Наср таржимаси" таҳририятида муҳаррир бўлиб ишлардим. Шеърий, насрий ва таржима китобларнинг нишона нусхаси ва тақдимоти шундоққина пастдаги чойхонада нишонланар эди. Қази-қартасиз оддий дастурхон — палов, кабоб, сомса ҳамда лим тўла "аччиқ-чучук"дан иборат камтарона давранинг тўрида кўпинча идорамизда ишламайдиган Саид Аҳмад, Рауф Парфи каби таниқли ижодкорлар ўтиргувчи эди. Саид Аҳмад аканинг ГАЗ-24 оқ "Волга" машинасини кунда-шунда чойхона олдида кўрар эдик.

— Оковси, ўтир, ҳозир обрўйингни кўтариб бераман, — ҳазиллашарди Саид Аҳмад ака. — Ижодий ютуғингни "ювиш"га айтилганлар тўпланиб бўлдими?

Ҳамма гур этиб устознинг атрофига ўз даража ва мақомимизга яраша жойлашиб олардик. Ўн-ўн беш кишилик даврада кўпинча танқидчи Иброҳим Ғафуров, кейин Саид Аҳмад роман, қиссанинг кўз илғамас нозик қирраларини чертиб-чертиб очиб беришардики, наздимда бундай "дабдабали" таърифу тавсифларни муаллифнинг ота-онаси ҳам ҳеч қачон айта олмаган бўларди.

— Болам, сани осмонга кўтариб қўйдим, буни асло зиёфатинг шарофатидан демагил, ўзинг тўғри одамсан, — дерди Саид Аҳмад ака дилбарлик билан. — Муҳими, рост сўзлаш ва рост ёзишдир. Э-ҳе, бизнинг бошимиз қанча ёлғончи-ю туҳматчиларни кўрмади?! Гадонинг душмани гадо бўлар экан, укажон. Бир нарсага хурсандман: ўлигим бегона юртларда қолмади. Дўзах азобидан чиқиб келиб ҳам ёздим, ёзавердим. Сенга ҳам шуни маслаҳат бераман.

Рўпарамизда ўтирган ҳурматли адиб беш йиллик сургундан сўнг, 1955 йилда юртига қайтиб келганини билардик, аммо бу ҳақида ўзлари деярли гапирмасди. Ниҳоят, "тақдимот"имиз жиддийроқ кўриниш олиб, тандирдан узилган иссиқ нонлардек янги китоблар дастурхонга қўйилар, сўнг зиёфат бошланар, адабий гурунгда адабиёт, турмуш, давр қаҳрамони мавзуларигина эмас, яхшилик ва ёмонлик кўчасида учрагувчи ибратомуз воқеалар таҳлилу тадқиқдан ўтарди... Саид Аҳмад ака ҳозиржавоб, тўғрисўз, оқибатли, гапга чечан киши эди. Суҳбат ҳазил-мутойибага бой, шириндан шакар бўлиб, давра қурган маҳалда атрофи одамга тўлиб кетарди.

Устоз билан иккинчи учрашувим ёзган асарларини ўқиб-ўрганиш асносида кечди. Адибнинг услуби шахсиятига, характерига жуда ўхшайди, деган гапда жон бор. Мисол учун, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Тоғай Муроднинг ички дунёси, фикрлаш тарзи, ҳатто сўзлаш услуби уларнинг ўлмас асарларига кўчган ("Адиб замондошлари хотирасида" номли туркум китобларни ўқисангиз, бунга гувоҳ бўласиз). "Чамамда у ёқда мени иккита нарса кутқариб қолди. Биттаси ҳазил-ҳузулга ўчлигим. Юмор ҳиссининг кучлилиги. Иккинчиси шуки, жуда кам ухлайман. Доим тетик бўлишга ҳаракат қиламан", дегувчи эди устоз қамоқдаги йилларини хўрсиниш билан эслаб.

"Саид Аҳмад баъзан китобхон кулавермаса, қитиқлаб кулдиради, йиғлайвермаса, кўзига пиёз суртиб йиғлатади", дейди наср устаси, адибимиз Абдулла Қаҳҳор. Ростдан ҳам, Саид Аҳмад ижодида кулгининг кўлами бениҳоя кенг ва ранг-баранг. У ҳар гал танлаб олинган воқеанинг оқимига, қаҳрамонларнинг савиясига, ўзининг ниятига мос равишда кулгининг шаклларини қўллайди. "Чўл ҳикоялари" туркумида, "Келинлар қўзғолони" комедиясида, "Уфқ" трилогиясининг баъзи эпизодларида кулги орқали ўқувчининг туйғусига таъсир қилади. "Уфқ" трилогияси (1964-74)да Иккинчи жаҳон урушининг оловли йилларида Катта Фарғона канали қурилиши мисолида халқимизнинг фронт орқасида кўрсатган қаҳрамонлиги, меҳнаткашлиги, тўғрисўзлиги, метин иродасини ҳамда урушдан олдинги ва кейинги даврнинг муаммоларини устакорларча тасвирлайди. "Жимжитлик" (1988) романида собиқ иттифоқда анча йиллар ҳукм сурган турғунлик даври иллатларини фош этишга ҳаракат қилади.

Айниқса, юмористик маҳорати "Келинлар қўзғолони" (1976), "Куёв" (1986) комедияларида ёрқин намоён бўлди, десак янглишмаймиз. Биринчи асари саҳнада минг мартадан кўпроқ намойиш этилди, ҳатто ўнлаб давлатлар саҳналарини гулга тўлдирди. Унинг асарлари оҳанги, таровати, юмори ҳеч кимникига ўхшамайди.

Ҳаёт — муаллим, у ҳам ўргатади, ҳам кулдиради, ҳам йиғлатади. Саид Аҳмад бир марта тили куйганидан кейин йирик полотнолар — романлар ёзиш йўлидан бормади, балки ўзи ишлаган "Муштум" журнали "одоб" таълимига суяниб, ҳаётдаги камчиликларни халқнинг назарига тушган миниатюралар театри орқали ҳажв остига олаверди. "Йўқотганларим ва топганларим" (1998), "Қоракўз мажнун" (2001), "Киприкда қолган тонг" (2003) каби китобларида бошидан ўтказган қора кунларни хотирлади. Мазкур асарлар ўзбек насрининг олтин хазинасидан ўрин эгаллади.

Халқ ёзувчиси билан учинчи учрашувим Адиблар хиёбонида содир бўлди. Ушбу масканда Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова хотирасига ўрнатилган ҳайкал ҳам бор. Севиб-севилиб оила қуришга киришган, никоҳ куни (1949 йил ноябри охири) Саидахоннинг ёлғиз укаси вафот этиб, базм сал кейинга қолдирилган, январь ойида эса туҳмат, алдов туфайли қўққисдан маҳкамага тортилиб, машъум "учлик" қарори билан халқ душмани сифатида ўн йилга ҳукм қилинган, Қозоғистонни Жезқозғони қаҳратон совуғида беш йил қамоқ муддатини ўтаб, онасининг Усмон Юсуповга шахсан ўзи топширган хати сабаб озодликка чиқиб, яна шу одамнинг тавсиясига кўра "Шарқ юлдузи" журналига ишга олиниб, елкасига офтоб теккан, шу зайлда ҳаёти бир маромга тушиб кетиб, сабр-бардошини синаб, ажойиб роман, қиссаларни ёзишга киришган шахснинг матонати бугунги ўзбек ёшларига андоза бўлишга арзигулик. Бундан ҳам муҳими, юрт, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига қўшган ҳиссасини ҳисобга олиб, давлатимиз "Буюк хизматлари учун" ордени (1990), Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига (1999) лойиқ кўрди.



Вафо-садоқат тимсоли (Саида опа 51 ёшда, Саид Аҳмад ака 87 ёшда, яъни рафиқасининг вафотидан кейин 30 йил ўтиб вафот этган)нинг илҳақ-ла бир-бирига йўллаган мактублари, рафиқасининг кундалиги "Саид билан Саида" ҳужжатли фильми, "Сабру садоқат" 5 қисмли сериалини яратишга асос бўлиб хизмат қилганди (сценарий муаллифи адибнинг қизи Нодира Ҳусанхўжаева). Севги, андиша, кечиримлилик, садоқат тараннум этилган мактубларни ҳаяжонсиз ўқиб бўлмасди: "Саид Аҳмад ака, тўғри, сочимда оқ толалар кўпайган. Тезроқ келмасангиз, бутунлай оқариб кетади. Унда нима қиламиз? Сочингизни бўянг, десангиз, мен эпчилроқ ҳам эмасман. Яхшиси, тезроқ келинг. Баъзида ойим ҳазиллашади. "Агар шундай қилса, мен ҳам бир қийнайман, ўғлингизнинг ҳам сочи оқаради. Ундан кейин тенг бўламиз", дейман".

Аммо кенжа шогирд сифатида учинчи учрашувдан ўзим учун топганларим, англаб етганларим олдингиларидан ўн чандон баланд эди. Давлатимиз раҳбарининг бу ажойиб ғояни амалга оширишида чуқур маънони англадим. "Адабиёт яшаса — миллат яшайди", дейди оловқалб шоир Чўлпон. Адабиёт —миллатнинг кўнгли, у инсонни майда-чуйда ташвишлардан қутулиб, юқори манзилларни эгаллашга йўналтиради.

"Келинлар қўзғолони" спектакли финалида узоқ йиллар бирга яшаган келин-куёвларнинг энди янги уйни хоҳлаши, алоҳида бўлиш ғояси собиқ иттифоқ умри тугаганлигига ишора бўлганди, аслида. Ҳа, Саид Аҳмад аччиқ ҳаётда жафо-ю дардларини кулгуси билан енгди, жамият ва шахснинг оғриқларини асарлари қатига жойлаб, бизга мерос қолдирди. Бир гал севимли укахони адиб Ўткир Ҳошимов устозига: "Сиз "ғаройиб" воқеалардан таъсирланиб, каттароқ романлар ёзмайсизми", деб сўраганда, Саид Аҳмад: "Ёзиш учун ҳаммасини юракдан ўтказиш, ҳис қилиш керак. Юрак кўтармайди, юрак тамом бўлган, укам, асаб чидамайди", деб жавоб беради. Демак, халқимиз қисматида қатағонлар, қама-қамалар бўлмаганида, адиб ва шоирларимиз, жумладан, Саид Аҳмад ҳам тафаккур дунёмизни бойитадиган, фаол шахсни руҳан тарбиялайдиган буюк асарларни ёзишга жазм этган бўларди.

Адабиёт — инсон оғриқлари, илоҳий оғриқлари. У инсоннинг ёруғ орзу-интилишларини қўллаб-қувватлайдиган, ўқувчига ҳаётбахш куч ато этувчи гўзал ҳиссиёт! Наср миллат тафаккурини, шеърият туйғусини тарбиялайди (Хорхе Борхес). Демак, фуқаронинг маънавий-руҳий олами бойиса, ўзини англаса, фикрлай бошласа, ғайрати бирдан жўш уриб, тоғларни забт этишга чоғланса, ўзбек оиласида покиза муҳит яратилади, аҳиллик пайдо бўлади, демак, жамиятга тоза руҳ киради, одамларда покланиш, тозариш учқунлари кўринади, фаровон турмуш қуришга бел боғлайди, давлатнинг мақоми, нуфузи кўтарилади. Миллат юксалиш сари юз буради...

Устоз Саид Аҳмаднинг бетакрор ижоди ҳам миллатнинг дардларига дармон бўлиб, олға интилишига хизмат қилаверади.

Туҳфа

Адиб ҳикоялари турк тилида

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



Тошкент давлат шарқшунослик университетининг таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси мудири, таржимон Хайрулла Ҳамидов томонидан ўзбек адабиётининг буюк намояндаси, атоқли адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллик юбилейига бағишлаб "Özbek Edebiyati'nin Seçme Eserleri. Said Ahmed. Hikâyeler" ("Ўзбек адабиётининг сара асарлари. Саид Аҳмад. Ҳикоялар") номли китоб турк тилида нашр этилди. Адибнинг ўнлаб машҳур ҳикоялари ўрин олган рисолага ТДШУ ректори Г.Рихсиева сўзбоши ёзган.

Университетда устоз-шогирд анъанаси асосида амалга оширилаётган ижодий ишлар доирасида Х.Ҳамидов шогирдларининг ҳам таржималарига ўрин берилган китобдан адибнинг "Елим", "Сағана", "Бир ўпичнинг баҳоси", "Хомталаш", "Ханка билан Танка", "Бир юз етмиш сўмлик хуррак", "Менинг дўстим Баббаев!", "Икрор", "Хотинбоз чумчуқ" сингари ҳажвий, "Ўн саккиз ёшинг", "Суд", "Қоракўз Мажнун" каби ҳикоялари ўрин олган.

— Моҳир сўз устаси Саид Аҳмаднинг ўзбек халқига таниш ва машҳур бўлган ҳикояларини турк тилига таржима қилиш нияти бундан 10 йил олдин, адибнинг 90 йиллиги нишонланган даврда бошланган эди, — дейди Ҳ.Ҳамидов. — 2011 йилда институтимизда таржима назарияси ва амалиёти кафедраси очилиб, талабалар қабул қилинди. Қабул қилинган икки гуруҳнинг бири ҳинд, бири турк тили гуруҳи эди. Шунда биз талабаларни мустақил ижодий иш — бадиий таржимага жалб этишга ҳаракат қилдик. Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига ўгириш ишларини бошлаб юбордик. Ўша йилларда жуда кўп асарлар шарқ тиллари, жумладан, турк тилига ҳам таржима қилиниб, институтимизда кичик тиражларда чоп қилинди. Мана, ниҳоят, бугунги кунга келиб, севимли адибимизнинг 100 йиллик юбилейига Тошкент давлат шарқшунослик университети номидан кичик бир туҳфа сифатида кафедрамизда туркчага ўгирилган барча ҳикояларини бир жойга тўплаб, кичик тиражда чоп қилишга жазм қилдик. Яқин келажакда Саид Аҳмаднинг бошқа асарларини ҳам нафақат турк тилига, балки бошқа шарқ тилларига таржима қилишни режалаштирганмиз.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бир бадиий асарни она тилига таржима қилиш осон эмас, ўз она тилидан хорижий тилга ўгириш эса ундан ўн карра мураккаб иш. Ушбу китоб Тошкент давлат шарқшунослик университети ижодий жамоасининг буюк адиб таваллудининг 100 йиллигига камтарона туҳфаси бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1469.
43135 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 21:45 Топширилди — 00:25 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru